


## ҲИНДИЙ ВА ХИТОЙ ТИЛЛАРИДА ЖИНС КАТЕГОРИЯСИ ХУСУСИДА

 10.24412/2181-1784-2021-1-163-169

**Рахматжонова Камола Абдумутал қизи**  
PhD, Жанубий ва Жануби-шарқий Осиё тиллари кафедраси  
ҳиндий тили ўқитувчиси  
Тошкент давлат шарқшунослик университети

**Исмаилова Дилдора Абдумутал қизи**  
Пекин тиллар ва адабиёт университети  
Олий таржимонлик факультети  
докторантура босқичи тадқиқотчиси

***Annotation.** The present article considers of the gender category in Hindi and Chinese. That two languages belong to genetically and typologically different language families and groups. It is known that the gender category are represented by different ways. The gender issue in Hindi and Chinese is quite different. Hindi is analitic language and gender is considered as a grammatical category. The Chinese is isolatic language and gender is connected with semantics.*

***Key words:** gender category, grammatical category, Chinese, Hindi.*

Дунёда жинс у ёки бу тарзда лисоний ифода этилмаган биронта тил мавжуд эмас. Тилда маълум бир номинал таснифнинг мавжудлиги ёки унинг мавжуд эмаслиги ушбу тилнинг тирик мавжудотлар жинсини ифодалаш имкониятига асло таъсир кўрсатмайди ва турк, мўғул, шунингдек, бошқа бир қатор тиллар каби ҳеч қандай номинал таснифга эга бўлмаган тиллар жинсини фарқлашда икки ёки уч жинсли тиллардан сира қолишмайди<sup>1</sup>.

Жинс грамматик категорияси тилларда учрайдиган бошқа грамматик категориялардан фарқ қилади. У тилдаги сўзларни уч, яъни feminine, maskulin, neutral жинсларга ажратади. Мазкур грамматик категориянинг бошқа грамматик категориялардан фарқи шуки, у ҳозирги замон инсон тафаккури мантиғига асло тўғри келмайди, чунки грамматик жинс табиий биологик

<sup>1</sup> Немировский М.Я. Способы обозначения пола в языках мира. Памяти академика Н.Я.Марра (1854-1934). – М. – Л.: Из-во АН, 1938. – С.2ж16.

жинсга мос тушмайди. Маълумки, табиий биологик жинс иккита, грамматик жинс эса кўпчилик тилларда учтадир. Грамматикадаги нейтрал жинсга табиатда мос келадиган жинс йўқ. Ундан ташқари, табиатда жинс тирик организмларга хос жиҳат, аммо грамматикадаги жинс категорияси ўз ичига жонсиз нарсаларга предмет ва ҳодисаларни ҳам олади. Жинс грамматик категорияси ўзбек тили тизимида мавжуд эмас. Бу маъно лексик-семантик, морфологик ва синтактик усуллар билан ифодаланиши мумкин. Бироқ бу воситаларнинг грамматик жинс категориясидан фарқи ўзбек тилидаги отлар юқорида кўрсатилган усуллар ёрдамида одам ва ҳайвонларни биологик жинсини аниқлаш учунгина қўлланилади<sup>2</sup>. Масалан, лексик-семантик усул: *ота-она, тоға-хола, ўғил-қиз*; морфологик усул: *Камол-Камола, Жамол-Жамола, Феруз-Феруза*; лексик усул: *мушук – урғочи мушук* каби<sup>3</sup>.

Дунё тилларининг генетик типологиясидан маълумки, ҳиндий тили Ҳинд-европа тиллар оиласининг Ҳинд-орий тиллари гуруҳига киради, хитой тили эса Хитой-тибет тиллар оиласининг Тай-хитой тиллар гуруҳига мансубдир. Танланган тиллар морфологик нуқтаи назардан ҳам бир гуруҳга мансуб эмас, яъни ҳиндий тили аналитик тиллар гуруҳига мансуб бўлгани ҳолда хитой тили ўзак (ажратувчи) тил гуруҳига киради<sup>4</sup>. Шундай бўлишига қарамай, мазкур тилларда тил универсиалияларига мос равишда бир қатор ўхшашликлар борлиги тадқиқ этилган материаллар асосида ўрганилди. Жумладан, икки тил тизимида ҳам жинс грамматик тушунчаси мавжуд. Бироқ уларнинг ифодаланишида бир қатор ўзига хосликлар кўзга ташланади.

Таъкидланганидек, жинс грамматик категорияси умумий аниқ белгиларга эга бўлмаган грамматик категориялардан биридир. Анча вақтгача жинс категорияси тиллардаги сўз туркумларида, жумладан, от сўз туркумида уларнинг биологик хусусиятидан келиб чиқишига асосланган эди.

Ҳозирги кунда ҳам жинс грамматик категорияси аксарият дунё тилларининг от сўз туркумига хос предметлик маъносини ифодаловчи воситаларидан биридир. Жинс категорияси инглиз тилида *gender* деб аталиб, бу сўз латин тилида *genus* сўзидан олинган бўлиб, маъноси синфлаштиришдир. Бу грамматик категория тилларда морфологик, лексик, синтактик йўллар билан ифодаланади. Маълумки, баъзи тилларда биологик жинс ҳам ўз ифодасини топади, яъни фақат жонли предметлар шахс, ҳайвонлар, қушлар,

<sup>2</sup> Ирискулов М. Тилшуносликка кириш. – Т.: Ўқитувчи, 1992. – Б.71.

<sup>3</sup> Ўша асар. - Б.73.

<sup>4</sup> Ўша асар. - Б.185.

ҳашаротларни билдирувчи баъзи отларни ифодалайди: *ома-она, ака-ука, она-сингил, сигир-хўкиз, қўй-қўчқор* каби.

Ҳиндий тилида гапда сўзларнинг муносабатга киришишида жинс грамматик категорияси алоҳида аҳамиятга эга. Масалан, सड़क *saRak* “кўча” муаннас жинсдаги жонсиз от, पेड़ *peR* “дарахт” музаккар жинсдаги жонсиз от бўлиб, कच्ची सड़क *kacsi: saRak* “асфальтланмаган кўча”, ऊँचा पेड़ *u:nca: peR* “баланд дарахт” жонсиз икки жинсдаги отлар аниқловчи билан мослашган. कच्ची सड़कें दिखायी देती हैं *Kacsi: saRakeN dikhayi: deti: heiN* “асфальтланмаган кўчалар кўринаяпти”, ऊँचे पेड़ लगे हुए हैं *u:nce peR lage hue heiN* “баланд дарахтлар экилган” мазкур жумлаларда жонсиз икки жинсдаги отларнинг кўплик шакллари ифодаланган<sup>5</sup>.

Ҳинд тилшунос олими В.Прасаднинг фикрига кўра, от сўз туркумига мансуб шахс ёки предметнинг музаккар ёки муаннаслигини билдирувчи сўзларга жинс дейилади. Аксарият тилларда жинс уч турга бўлинади – музаккар, муаннас ва ўрта (ёки нейтрал) жинс. Гужарат, маратхий каби замонавий ҳинд-орий тилларида ҳам учта жинс мавжуд. Бироқ ҳиндий тилида икки хил жинс мавжуд: музаккар ва муаннас. “Жинс” қадимда चिह्न “*cihn*” ёки निशान “*nisha:n*”, яъни белги деб аталган<sup>6</sup>. Мазкур белги ҳар бир отда мавжуддир. Шунга мувофиқ ҳиндий тилидаги барча отлар ёки муаннас ёки музаккар жинсига мансуб бўлади. Шунингдек, отлар жонли ва жонсиз отларга бўлинади. Масалан, жонсиз отларга – पेड़ *peR* ‘дарахт’, प्याली *pya:li: ‘piēla*’ каби сўзлар кирса, жонли отларга ‘माता-पिता’, *ma:ta: - pita: ‘ома-она*’, लड़का – लड़की *laRka: - laRki: ‘ўғил бола – қиз бола*’ каби сўзлар киради. Жонсиз отларнинг жинсини аниқлаш бироз қийинчилик туғдиради. Бундай отларнинг қайси жинсга мансублигини асосан луғатлардан ўрганиш лозим.

Ҳиндий тилидаги гапда жинс грамматик категорияси сифат, олмош, феълларда намоён бўлади: मोटा सा आदमी आया है। *MoTa: sa: a:dmi: a:ya: hei* ‘семизгина одам (музаккар) келди’, यह बड़ा कमरा है। *Yeh baRa: kamra: hei* ‘бу катта хонадир (музаккар)’, यह छोटी लड़की है। *Yeh choTi: laRki: hei* ‘бу кичкина қиз бола (муаннас)’.

<sup>5</sup> Шоматов О.Н. Жанубий Осиё тилларига кириш. –Т.: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 3-қисм, 2004.- Б.25.

<sup>6</sup> वासुदेवनन्दन प्रसाद “आधुनिक हिन्दी व्याकरण और रचना” बिहार , भारती भवन , 2003. – पृ०76.

Ҳиндий тилида жинс асосан грамматик категория сифатида ўрганилади. Бироқ баъзан ўзбек тилидаги каби отларнинг жинсини аниқлашда лексик усулдан ҳам фойдаланилади: नर कोयल *nar koyal* «нар какку», मादा कोआ *ma:da: koa:* «мода қарға»<sup>7</sup>. Бундай ҳолатда ифодаланган ҳиндий жинс тилидаги грамматик жинс ўзбек тилидаги биологик жинс англатган маънога тенг келади.

Хитой тили лингвистик жиҳатдан ўзининг муайян тарихий фактик манбаларга таяниши билан бошқа тиллардан ажралиб туриши маълум. Жинс категорияси нуқтаи назаридан ҳам буни кузатиш мумкин.

Аниқланишича, 96% хитой иероглифлари жинсга асосланади. Жумладан, улардан 20% иероглифларнинг жинсга ажратилиш даражаси жуда аниқ, 43% ининг аниқлик даражаси бироз юқорироқ, 34% и эса енгил даражада жинсни ифодамай олади холос. Фақат бошқа тиллардан фарқли ўлароқ, хитой тилида Ян ва Инь жинсларга бўлинган. Инь жинсига оид иероглифлар олти турга бўлинади: 1) гуллар ва ҳайвонлар; 2) қимматбаҳо тошлар; 3) турли ранглар; 4) манзаралар; 5) аёллар хислатлари; 6) аёлларнинг ташқи кўриниши билан боғлиқ сўзлар; Ян жинсини ифодаловчи сўзлар эса асосан тўққиз турга бўлинган: 1) эркакларга нисбатан чақирув сўзлар (ота, ака, ука, дўст ва х.); 2) афсонавий сўзлар ва ҳайвонлар номи; 3) от (лошадь) билан боғлиқ сўзлар; 4) қурилиш инжомлари; 5) эркакларга хос хислатлар; 6) омад билан боғлиқ сўзлар; 7) куч ва қудрат билан боғлиқ сўзлар; 8) нарса-буюм ва асбоблар асосий элементлари; 9) эркакларга тегишли анжомлар.

Хитой тилидаги Инь ва Ян тушунчаси Хитойнинг неча минг йиллардан буён сақланиб келаётган маданияти билан узвий боғлиқдир. Ин Ян ўзида эркак ва аёл жинсига оид бўлган кўпгина тушунчаларнинг метафораларини ифода этади. Хитой иероглифларининг семантик жиҳатдан жинсга ажратилиши олимлар учун нафақат хитой тилини ўрганишга янги йўналиш очиб берибгина қолмай, хитой тилининг бошқа тиллар билан типологик муносабатини ўрганишда янги йўналишни очиб беради.

Чжан Липин (章黎平) ўзининг “Ҳозирги замон хитой тилида лексик жинс категорияси” (《现代汉语中词汇性的性范畴》) номли мақоласида Хитой тилида сўзларнинг жинсини ажратиш учун иероглифлар тузилишида жинсни англатувчи калитлар қўшилиши орқали ясаилиши тўғрисида фикр билдирган.

Хитой маданиятининг тарихида жинс категорияга ажратишнинг қатъий бўлинишини кўриш мумкин. Хитой иероглифлари жинсга ажратилишининг

<sup>7</sup> सत्यनारायण सी. एस. – हिन्दी व्याकरण तथा निबन्ध – एस. चन्द्र एण्ड कम्पनी, नई दिल्ली, 1987. – पृ० 21.

Ўзига хослиги шундаки, жамият фикрининг ўзгариши натижасида баъзи сўзлар маънолари ўзгаришга учраган, семантик ўзгаришлар эса ўз навбатида иероглифларнинг ўзгаришига сабаб бўлган. Жинсларнинг иероглифларда акс этиши иероглиф ясалишида калит сўзларнинг кўшилиши билан ифодаланади. Масалан, қадимда “倡” (chāng) иероглифи нейтрал маънодаги санъаткор (кўшиқ куйлаб, рақс тушувчи) бўлиб, ҳам эркак ҳам аёл санъаткорни ифодалай олган. “内伎”(nèi jì) иероглифи эса аёл санъаткорларга нисбатан ишлатилган. Кейинчалик “倡” иероглифи “倡”га, “伎” иероглифи эса “伎”га ўзгартирилган, яъни “女” аёл калити кўшилган. Бу икки иероглиф қадимда ҳеч қандай ёмон маънога эга бўлмаса-да, аммо раққосаларга нисбатан фикрнинг яхшимаслиги оқибатида эркакларнинг аёлларга нисбатан камситиш ва хўрлаш фикрларини ўзида акс эттиради. Яна бир мисол, “士”(shì) иероглифи аслида ёш эркак кишини ифодалайди. Масалан, толиб, аскар, жангчи каби. Лекин Танг династиясида гўзал аёлни “士女”(shì nǚ) деб аташган, кейинчалик бу иероглиф “仕女”(shì nǚ) га ўзгарган ва мансабдор шахслар оиласидаги аёлларни англатади.

Мақолада генетик ва типологик жиҳатдан бир тил оиласи ва гуруҳига мансуб бўлмаган ҳиндий ва хитой тиллари жинс категорияси нуқтаи назаридан ўзаро чоғиштирилди. Маълум бўлдики, дунё тилларида универсалияларнинг мавжудлиги у ёки бу тилнинг умумийлигидан дарак беради. Шу билан бирга ҳар бир тилнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлади. Бундай ўзига хослик тилларни чоғиштириб ўрганганда янада яққол намоён бўлади. Замонавий ҳиндий тилида жинс грамматик категорияси отларга хос бўлгани ҳолда у сон, сифат ва феълларда ҳам ифодаланиши мисоллар орқали таҳлил этилди. Ҳиндий тилидан фарқли ўлароқ хитой тили иероглифларида жинс тушунчасини ифодалаш маълум ва муайян тарихий жараёнлар билан боғлиқ бўлиб, нисбатан мураккаброқ ифодаланади. Ҳиндий тилида бу категория грамматик нуқтаи назаридан ўрганилса, хитой тилида асосан ижтимоий жараён билан боғлиқ равишда семантик турзда ўрганилади. Демак, тилларни чоғиштирма-типологик нуқтаи назардан ўрганиш танланган тил хусусиятларини аниқ ва тушунарли ҳолда тадқиқ этиш имкониятини туғдиради. Мазкур жиҳатдан танланган тиллар умумийлигидан хусусийликка ўтиши яққол намоён бўлади.

## ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. AMANOV, K. (2015). THE MATTER OF DIVIDING AGES IN HISTORY OF TURKIC OFFICIAL METHOD. *Turkish Studies (Elektronik)*, 10(12), 57-68.
2. Ashiralievich, V. A., & Vasilovna, M. K. (2020). The interactive means of learning oriental languages. *Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR)*, 9(3), 78-86.
3. Gosmanovna Ibatullina, D., Rafisovna Alikberova, A., & Abdullayevna Nasirova, S. (2019). Modern Linguistic Trends in the Japanese Language. *Journal of Research in Applied Linguistics*, 10(Proceedings of the 6th International Conference on Applied Linguistics Issues (ALI 2019) July 19-20, 2019, Saint Petersburg, Russia), 500-505.
4. Hulkar, M. (2019). INTERACTIVE METHODS OF PEDAGOGICAL PROGRAMS IN TRAINING Oriental Languages. *Uzbekistan Journal of Oriental Studies*, 1(2), 146-155.
5. Khalmurzaeva, N. T. (2019). СПОСОБЫ КЛАССИФИКАЦИИ ВЕРБАЛЬНЫХ ФОРМ КАТЕГОРИИ ВЕЖЛИВОСТИ В ЯПОНСКОМ ЯЗЫКЕ. *Theoretical & Applied Science*, (12), 27-33.
6. Mirzaxmedova, H. (2020). TERMS MADE FROM THE ORIGINAL IRANIAN VOCABULARY IN PERSIAN. *Philology Matters*, 2020(1), 137-145.
7. Nadira, K. (2017). The problem in translation from Japanese to Uzbek in the novel "A Wild Sheep Chase"-Focusing on Politeness. *Literary Imagination*, 19(3), 760-771.
8. Nasirova, S. A., Hashimova, S. A., & Rikhsieva, G. S. (2021). THE INFLUENCE OF THE POLITICAL SYSTEM OF CHINA ON THE FORMATION OF SOCIAL AND POLITICAL TERMINOLOGY. *Journal of Central Asian Social Studies*, 2(04), 10-17.
9. Ирискулов М. Тилшуносликка кириш. – Т.: Ўқитувчи, 1992
10. Мирзахмедова, Х. В. (2014). О некоторых проблемах формирования железнодорожных терминов (на материале персидского языка). *Вестник Челябинского государственного университета*, (14 (343)).
11. Насирова, С. А. (2019). Языковая политика в Китае: идентификация общественно-политической терминологии. In *Китайская лингвистика и синология* (pp. 384-387).
12. Немировский М.Я. Способы обозначения пола в языках мира. Памяти академика Н.Я.Марра (1854-1934). – М. – Л.: Из-во АН, 1938
13. Омонов, К. Ш. (2015). Типы деловых документов в истории старотюркского литературного языка. *Paradigmata poznani*, (3), 71-74.

14. Рихсиева, Г. Ш. (2014). ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ РЕЙТИНГИ–СИФАТ ВА ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ. *Oliy ta’lim taraqqiyoti istiqbollari= Perspectives of higher education development= Перспективы развития высшего образования: То ‘plam № 2/ma’sul muharrir MA Rahmatullayev.–Издательство: Vita Color T.: 2014.–161 b., 29.*
15. Рихсиева, Г. Ш. (2014). ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ РЕЙТИНГИ–СИФАТ ВА ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ. *Oliy ta’lim taraqqiyoti istiqbollari= Perspectives of higher education development= Перспективы развития высшего образования: То ‘plam № 2/ma’sul muharrir MA Rahmatullayev.–Издательство: Vita Color T.: 2014.–161 b., 29.*
16. Хашимова, С. (2020). НЕКОТОРЫЕ ГРАММАТИЧЕСКИЕ И СЕМАНТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ УДВОЕНИЯ В ЯПОНСКОМ ЯЗЫКЕ. In *Страны. Языки. Культура* (pp. 334-338).
17. Шоматов О.Н. Жанубий Осиё тилларига кириш. –Т.: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 3-қисм, 2004
18. वासुदेवनन्दन प्रसाद “आधुनिक हिन्दी व्याकरण और रचना” बिहार , भारती भवन , 2003
19. सत्यनारायण सी. एस. – हिन्दी व्याकरण तथा निबन्ध – एस. चन्द्र एण्ड कम्पनी, नई दिल्ली, 1987
20. 徐越. 论汉语的语义性范畴, [J]. 南京大学, 2013
21. 章黎平. 现代汉语中词汇性的性范畴, [J]. 国际汉语学报, 2016
22. 邓季方. 汉语词汇中的性范畴特征及表述, [J]. 云南师范大学学报 ( 哲社版 ),1989